

Самарканд шаҳри

2022 йил «26» Май

ASKAR BISTRO UNIVER XK номидан Низом асосида фаолият юритувчи
(муассаса номи)

А Холов (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади)
(Ф.И.Ш.)

бир томондан ва Самарканд давлат чет тиллар институти академик лицей номидан Устав (ишончнома) асосида
(ташкилот номи)

фаолият юритувчи директор Ф.Ш.Рузкулов (кейинги ўринларда
(Ф.И.Ш.)

Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани куйидагилар
тўғрисида туздилар.

I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган
хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар ҳар куни
Буюртмачини Самарканд давлат чет тиллар институти академик лицей Уқувчиларни имтиёзли овкатлантириш

ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена
нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига
мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

20 22 йил «26» Майдан.

20 22 йил «31» декабрьгача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган
Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи
Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг
Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер куйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва
таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан
чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.2. Аутсорсер куйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши,
носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари,
нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини
таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат
тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда
кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар
сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида
бекул тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб
чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига
жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф
этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли
ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан)
ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;

- 2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг худудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;
- 2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;
- 2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;
- 2.2.13. Томонлар имзоладиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;
- 2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;
- 2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);
- 2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.
- 2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:
- 2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;
- 2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;
- 2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;
- 2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.
- 2.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:
- 2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;
- 2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;
- 2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи 238 500 000 (Икки юз уттиз саккиз миллион беш юз минг) сумни ташкил этади

- 3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.
- 3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.
- 3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.
- 3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

IV. Томонларнинг мажбуриятлари

- 4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
- 4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.
- 4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.
- 4.4. Буюртмачига ҳар чоракда бир мартаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.
- 4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

- 5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.
- 5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида

белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

VI. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурилади.

VII. Якунловчи қоидалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва бир календарь йили давомида ёки муддатидан олдин бекор қилингунига қадар амал қилади.

IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

«Аутсорсер»

ASKAR BISTRO UNIVER XK
Самарканд шаҳри Бустансарой 93 уй
Х/Р 20208000200717779001
АКБ "ASIA ALLAIANCE BANK"
Самарканд шаҳар
МФО 01043 ИНН304573384 ОКЭД 56100
Тел +99891-542-90-30

Директор А.Холов



«Буюртмачи»

Самарканд давлат чет тиллар институти
академик лицей
Самарканд шаҳар А.Навоий 57 уй
Х/Р 400810860184017092500079001
Марказий банк ХККМ Тошкент шаҳар
бошқармаси МФО 00014 ИНН205158885
ОКЭД 92310 тел +99890103-05-50

Директор Ф.Ш.Рузикулов



Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича

ШАРТНОМАНИНГ ПРОГНОЗ СУММАСИ

| Т/р | Ойлар | Ойдаги кунлар сони | Ўлчов бирлиги | Хизмат бирлиги учун нарх (сўм) | Хизмат бирлик лари сони | Жами сумма ҚҚС (сўм) | сиз | ҚҚС % | Жами сумма ҚҚС билан |
|-----|---------------------|--------------------|---------------|--------------------------------|-------------------------|----------------------|-----|-------|----------------------|
| 1. | Январь | - | - | - | - | - | - | - | - |
| 2. | Февраль | 5 | кун | 27 000 | 100 | 13 500 000 | | | |
| 3. | Март | 8 | Кун | 27 000 | 100 | 21 600 000 | | | |
| 4. | Апрель | 8 | Кун | 27 000 | 100 | 21 600 000 | | | |
| 5. | Май | 8 | кун | 27 000 | 100 | 21 600 000 | | | |
| 6. | Июнь | 9 | Кун | 27 000 | 100 | 24 300 000 | | | |
| 7. | Июль | - | - | - | - | - | - | - | - |
| 8. | Август | - | - | - | - | - | - | - | - |
| 9. | Сентябрь | 8 | кун | 27 000 | 100 | 21 600 000 | | | |
| 10. | Октябрь | 9 | Кун | 27 000 | 100 | 24 300 000 | | | |
| 11. | Ноябрь | 9 | Кун | 27 000 | 100 | 24 300 000 | | | |
| 12. | Декабрь | 10 | кун | 27 000 | 100 | 27 000 000 | | | |
| | жами суммаси | | | | | 202 500 000 | | | |



“ТАСДИКЛАЙМАН”

Сам ДҲТИ академик лицей
директор

Ф.Ш.Рузикулов

МУХР

Академик лицей учун хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар, асбоб-ускуналар, мебель, оргтехника воситалари, озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа жиҳозларни харид қилиш бўйича доимий ишловчи танлов (тендер) Комиссия йнгилиши

БАЁНИ

2022 йил «25» «май»

Самарқанд шаҳри

Раислик қилувчи

Комиссия Раиси, Лицей ижрочи
директори З.Базаров
Ёшлар билан ишлаш бўйича
директор уринбосари
Ф.Ибрагимов

Иштирок этдилар

Комиссия аъзолари
Чет тиллар билан ишлаш бўйича
директор уринбосари У.Пардаев
Бош бухгалтер Д.Лутфуллаева
Хисобчи Д.Бўтаева
Хужалик мудри М.Шаназарова

КУН ТАРТИБИ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26-сентябрдаги ПК-3290-сонли “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тугрисида”ги қарорига мувофиқ, ҳамда, 2018 йил 27-февралдаги Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлигининг 3-2018-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 33-сонли қарорларига асосан, академик лицейдан узоқда жойлашган худудлардан қабул қилинган ва ётоқхонада яшовчи укувчиларнинг ота-оналари тулови хисобига харажатларни қисман (хар ойда БМХ(базавий хисоблаш микдори)нинг 1(бир)баробари микдорида) қоплаган ҳолда, қолган қисми давлат бюджети маблағлари хисобидан имтиёзли 3(уч) маҳал (нонушта, тушлик ва кечки овқат) овқатлантирилишини ташкиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси давлат харидлари қонунига қура, 2022 йил 23 майдагида УзРТХБнинг давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталига жойлаштирилган 22110012084897-сонли лот лардаги эълон бўйича **ХК ASKAR BISTRO UNIVER, ООО NASIM BOBO QAYUMOV ООО UNIVERSAL EXPRES BAXT SERVIS** хусусий қорхонаси томонидан танлов (тендер) Хайъатига тақдим этилган хизматлар тақлифлари бўйича энг яхши тақлифни аниқлаш.

Сўзга чиқганлар:

Ёшлар билан ишлаш бўйича директор уринбосари: Ф.Ибрагимов

Хисобчи: Д.Бўтаева

Йнгилишда қайд этилдики, Ўзбекистон Республикаси 2022 йил 23майда УзРТХБ нинг етендир харидлари бўйича махсус ахборот порталига жойлаштирилган 22110012084897сонли лотда қуйидагича хизмат нарх микдор бошлангич баҳоси жойлаштирилган:

| т/р | Эълон берилган товар номи | Улчов бирлиги | Микдор (ҳажм) | Эълон бўйича берилган бир бирлик товар (иш, хизмат)нархи | Сумма |
|--------------|--|---------------|---------------|--|-------|
| | Хар бир талаба учун БХМ (базавий хисоблаш микдори)нинг 10%ни микдорида бир кунда 3 маҳал овқатлантиришни. ташкиллаштириш | Комплект | 1 | 27000 | 27000 |
| ЖАМИ: | | | | | 27000 |

Академик лицейнинг хом ашё, озик-овкат махсулотлари, материаллар, бутловчи буюмлар, асбоб ускуналар, мебель, оргтехника воситалари ва бошқа жихозларни харид қилиш бўйича доимий ишловчи (тендер) Хайъатига ушбу хизматни бажариш бўйича бир катор ташкилотлардан таклифлар олинган.

Мазкур корхоналар томонидан тақдим этилган харид таклифларига мувофиқ 2022 йил танловда иштирок этиш учун қуйидаги тур, ўлчам ва нархлар таклиф этилган:

Жумладан, тижорат таклифларини тақдим этиш тўғрисидаги мурожаатномага мувофиқ, Комиссияга:

- Самарқанд шах. Бустонсарой 93 уйда жойлашган « ASKAR BISTRO UNVER » хусусий корхонаси томонидан 2022 йил 22 майдаги № сонли хат;

- Самарқанд шах. А Темур 49-б уйда жойлашган ООО «NASIM BOBO QAYUMOV», маъсулияти чекланган жамияти томонидан 2022 йил 22 майдаги № сонли хат;

- Самарқанд шах. Корасув массиви 32/12 уйда жойлашган ООО «UNIVERSAL EXPRES BAXT SERVIS» хусусий корхонаси томонидан 2022 йил 20 майдаги № сонли хат билан танловда иштирок этиш учун алоҳида харид таклифлари тақдим этилган

Ушбу корхоналар томонидан мазкур хизмат турини уз вақтида амалга ошириш кафолати берилган.

“Корхоналар томонидан 2022 йил академик лицейга озик-овкат махсулотлари, жихозлар сотиб олиш бўйича сифатли ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, уларни жойлаштириб бериш (териш) ва уларни олингунга қадар омборларда тўлиқ сақлаб туриш кафолати берилган”

| № | Эълон берилган товар номи | Улчов бирлиги | Микдор (хажм) | Эълон бўйича берилган бирлик товар (иш, хизмат) нархи | ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАРНИНГ (лот рақамли эълонга берган) ТАКЛИФЛАРИ | | |
|---|--|---------------|---------------|---|--|------------------------|----------------------------------|
| | | | | | ХК ASKAR BISTRO UNIVER | ООО NASIM BOBO QAYUMOV | ООО UNIVERSAL EXPRES BAXT SERVIS |
| | | | | | Нархи | Нархи | Нархи |
| | Хар бир талаба учун БХМ (базавий ҳисоблаш микдори)нинг 10%ни микдорида бир кунда 3 маҳал овкатлантиришни. ташкиллаштириш | Комплект | 1 | Нархи | 238 500 000 | 241 060 000 | 241 210 000 |

“Комиссия аъзолари томонидан йўл-транспорт харажатларини максимал иқтисод қилиш, барча туман ва шаҳарларга яқинлиги, марказдалиги ҳамда сақлаш шароитлари бўйича ўтказилган таҳлиллар натижасида “ ASKAR BISTRO UNVER” хусусий корхонаси имкониятлари қулайлигини кўрсатиб ўтилди».

“Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида озик-овкат махсулотлари “ ASKAR-BISTRO UNVER” хусусий корхонасидан олинганлигини эътиборга олиш лозимлиги айтиб ўтилди”.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганларни ҳисобга олиб ҳамда корхоналар томонидан тақдим этилган харид нархлар, сифати ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, (хар бир туман бўлинмасида)

уларни жойлаштириш (териш) ва уларни олингунга қадар омборларда тўлиқ сақлаб туриш, корхоналарнинг яқин-узқолиги, транспорт харажатларни хар томонлама таҳлилдан ўтказиб, Комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. СамДЧТИ академик лицейнинг 2022 йил 23 майдаги хар иккала эълон бўйича хар бир укувчига базавий ҳисоблаш микдорининг 10%ни микдорида бир кунда 3 маҳал овкатлантиришни ташкиллаштириш хизмати:

- тақдим этилган нархлари арзонлиги;

- сифати ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, (ҳар бир туман бўлинмасида) уларни жойлаштириш (териш) ва маҳсулотларни олингунга қадар оморларда тўлиқ сақлаб туриш кафолати берилганлиги “ASKAR BISTRO UNVER” хусусий корхонаси билан шартнома имзоланган.

2. “ASKAR BISTRO UNVER” хусусий корхонасидан 2022 йил академик лицейга озик-овкат маҳсулотлари сотиб олиш буйича академик лицей ўртасида хўжалик шартномалари лойиҳалари икки нусхада Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ тузиш белгилансин.

3. “ASKAR BISTRO UNVER” хусусий корхонасидан 2022 йил академик лицейга озик-овкат маҳсулотлари сотиб олиш буйича академик лицей ўртасида тузиладиган хўжалик шартномалари лойиҳалари икки томонлама жалб этиладиган адвокатлар ёки юристлар экспертизасидан ўтказиш белгилансин.

4. “ASKAR BISTRO UNVER” хусусий корхонасидан 2022 йил академик лицейга озик-овкат маҳсулотлари сотиб олиш буйича академик лицей ўртасида икки томонлама тасдиқланган ва жалб этиладиган адвокатлар ёки юристлар экспертизасидан ўтказилган хўжалик шартномалари белгиланган тартибда тузилиб, икки томон раҳбарлари томонидан тасдиқлангандан сўнг **асли ва 1 (бир) нусхаси 20 кун ичида Самарқанд вилоят (шаҳар, туман) Ҳазначилик бошқармаси (бўлинмаси) юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш ва нарх мониторингини олиб бориш гуруҳига тақдим этилсин.**

5. Мазкур баённома ижроси назорати комиссия раиси ўринбосарига юклатилсин.

Комиссия раиси :




Комиссия Раиси, Лицей ижрочи директор З.Базаров

Комиссия аъзоси



Ёшлар билан ишлаш бўйича директор уринбосари Ф.Ибрагимов

Чет тиллар билан ишлаш бўйича директор уринбосари У.Пардаев



Бош ҳисобчи Д.Лутфуллаева

Ҳисобчи Д.Бутаева

Хўжалик мудри М Шаназарова

| № | Хўжалик шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида | Мисол (А.А.А.) | Ўзини бўйича Тўртинчи Ўр | Сўми |
|---|--|----------------|--------------------------|--------------|
| | Хар бир тўрағи учун 4ХМ (Бозор) мажбурият | | 27000 | 27000 |
| | Хар бир тўрағи учун 3 мажбурият | | | |
| | ЖАМИ | | | 27000 |